Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 27 июль, чоршанба • № 60 (11.759) • Эркин нархда сотилади

**Истиқлол юртимиз, Ватанимиз, элимиз учун улуғ бир неъматдир. Биз уни эркалаб, ардоқладик, ширин сўзлар билан алқадик, ёмон кўзлардан, оч нигоҳлардан асрадик. Истиқлол Ўзбекистон дея аталмиш азиз диёрни миллий тикланиш ва ўзликни таниш йўли орқали жаҳонга олиб чиқди. Унинг йўллари равон, қадамлари бардавом. У ўсмир ёшида оқу қорани таниди, кўпдан-кўп яхшиликларга эш бўлиб, ёмонликларни ҳам кўриб улгурди. Эзгулик нимаю, бедодлик нима, фарқига борадиган бўлди.**




# КЎНГЛИМНИНГ САРВАРИ ЎЗИНГСАН, ВАТАН!

Бўлар элнинг боласи кўпга бош бўлар, деганларидек, соғлом мамлакатда соғлом ақл эгаси бўлиб танилди. Одимлари дадил, қадду қомати келишган, тик. Шўро истибдоди жабрини бир бора татиб кўрган инсон, албатта, мустақиллигимизнинг қадру қимматини яхши англаб етади, уни эъзозлайди, ҳимоясига жону жаҳонини бағишлайди.

Эл-юрт соғ-омон, хотиржамлик ҳукм сурган мамлакатда, халқлар тотувлиги барқарор бўлган мамлакатда истеъдодли кишилар кўпаяверади. Ҳали-ҳамон ота-боболаримиз, кўпни кўрган момоларимиз тилидан тушмаган дуоларнинг ижобати шу эмасмикан?!

Ҳаёт каттакон баҳри уммонга ўхшайди. Унда орзу ва армон, қувонч ва ташвиш, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳу савоб ҳамиша ёнма-ён сузади. Ҳар қалай, маърифатли, маданиятли инсон ҳалол ва пок бўлмоғи, адолат ва инсоф билан яшамоғи, ўз қадр-қимматини билмоғи керак. Чунки, бундай фазилатлар инсон қалбининг мустаҳкам қалъасидир. Бугунги дориламон кунлар, Истиқлолимизнинг неъматлари, эришган, эришаётган ютуқларимиз шундай турмушга интилиш ҳосилаларидир.

Халқнинг билгани — Ҳақнинг билгани, дейди доно халқимиз. Бугун рўй бераётган яхши ва ёмон, хуш ва нохуш воқеалар, буюк ўзгаришларни одамлар қалбига етказиш учун сабрматонат, жасорат ва албатта, чуқур эътиқодга омухта сўзамоллик ҳам жуда зарур. Афсуски, бугун баъзи фуқароларимиз мамлакатимизда, вилоятимизда, биз яшайдиган депара ва маҳаллаларимизда бўлаётган воқеалардан кўпинча бехабар қолмоқдалар. Унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаяптилар. Охир-оқибатда «нега ундай, нимага бундай?» деган бир-бирига қарама-қарши саволлар келиб чиқади. Шунинг учун янгилик ва ўзгаришларни ўз вақтида одамлар онгига етказайлик, халқ ичига кириб борайлик, деган ақидани муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари такрор-такрор уқтириб келмоқдалар.

«Жоҳил бўлсанг дунёда, хўрлик келур зиёда», дейдилар. Дарҳақиқат, инсон маънавият ва маърифатга интилмаса, унинг феълида ана шу хусусиятлар устувор бўлмаса, хўрлик ҳам, жаҳолат ҳам барҳам топмайди, бошқача айтганда, ғурур, инсоф ва адолат ҳам бўлмайди. Инсоннинг камолоти ҳамма вақт жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Мана шунинг учун ҳам истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлабоқ, Президентимиз, ҳукуматимиз янги замон кишисини, истиқлол фидойиларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратдилар. Ўзининг фаолият кўлами билан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий баркамоллигимиз сарчашмаларини қамраб олган «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятининг ҳам асл мақсад ва моҳияти мана шунга йўналтирилган. Бугунги кунда вилоятимизнинг 21 та шаҳар ва туманида маънавият ва маърифат марказининг бўлинмалари умумбашарий қадриятларимизни, халқимизнинг бой маънавий меросини замондошларимиз қалбига сингдириш, баркамол инсонларни тарбиялаш борасида кенг кўламда иш олиб боришмоқда.

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими «Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз», «Навоийхон талаба», «Камалак жилоси» кўрик-танловлари ҳамда «Аждодлар мероси маънавиятимиз хазинаси», «Наврўз эзгулик ва истиқлол тимсоли», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Экологик тарбия ва бугунги ёшлар» мавзуларида уюштирган қизиқарли баҳс ва мунозаралар, оммавий, маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсир кучи бекиёс бўлмоқда.

Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, тиббий маданиятни шакллантириш борасида Олмалиқ, Янгийўл, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Оққўрғон, Ўртачирчиқ ва Бўка туманлари бўлинмалари қизғин амалий фаолият юритмоқдалар. Албатта, бу тадбирлар Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Адлия бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тарбиявий ишларнинг шаклу шамойили, ифода услуби ва ижроси қандайлигидан қатъи назар, умумий ижтимоий мақсади ёш авлодни тарбиялаш, мукаммал ахлоқ ва маданиятни, маънавият ва маърифатни юксалтириш ва миллий туйғуларни қарор топтиришдир.

Маънавият ва маърифат ҳақида гап кетганида Бўка туманидаги 12-умумтаълим мактабининг маънавият ва маърифат фани ўқитувчиси Оллоберган Рустамовни эслайман. Оллоберган муаллим нафақат устоз, балки сухандонлиги, суҳбатдошларини ўзига ром эта билиш қобилияти билан ҳам ҳамкасблари орасида ажралиб туради. Воизлик санъатини уддалаш унча-мунча кишининг қўлидан келавермайдиган иш. Сиз Оллоберган муаллимнинг истиқлолимиз, шонли тарихимиз, алломаларимизнинг илмий мерослари ҳақидаги меҳру муҳаббатга йўғрилган маърузаларини тингласангиз, кўнглингиз нур-зиёга тўлгандек бўлади.

Тўғри, вилоятимизда бу борада ҳам имон-эътиқодли, одамларга тўғри йўл кўрсата олувчи воизларимиз, оқсоқолларимиз, жамоани ортидан эргаштира оладиган раҳбарларимиз, маънавият-маърифат ва маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган ишбилармон, кайвонилар, ҳалол луқма ейишни, покиза турмуш кечиришни ўзига одат қилган, халқ бошига оғриқли кунлар тушганда ҳам ўзлигини сақ-

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Қ А Р О Р И*

## Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларининг катта кўламини, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам эканини эътиборга олиб ҳамда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, ижодий уюшмалар ва жамоатчиликнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик санасини 2006 йилда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита томонидан қайта кўриб чиқилган ҳолда:

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага, Қарши шаҳрида тарихий обидаларни таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий ва коммунал соҳада хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин.

2. 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилсин.

3. Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, «Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказсин.

4. Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фанлар академиясининг Тарих институти билан биргаликда, мактаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июнь ойларида Қарши шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилик ва маданият тарихи, Амир Темур ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Қашқадарё воҳасининг бой тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган минтақавий дастур ишлаб чиқиб, уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

6. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари 2006 йилги давлат бюджети ҳамда инвестиция дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қарши шаҳрида юбилей тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашни кўзда тутсин.

Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина маблағ билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

7. Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан/ божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари/ озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 26 июль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлаш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 26 июль.

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ЎН ЁШДА

**«Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил этилганига ўн йил тўлиши муносабати билан Паркент тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия марказий кенгаши ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.**

Тадбирда ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг зиёли қатламини бирлаштирувчи сиёсий ташкилот томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди, келгусидаги вазифалар белгиланди.

Халқимизнинг суюкли санъаткорлари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Равшан РУСТАМОВ.

*Изчил ислоҳотлар йўлида*

# ФАОЛИЯТ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙДИ

**Янгийўл шаҳрида иш билан банд аҳолининг 58 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари улушига тўғри келмоқда. Бундай кўрсаткичга жорий йилнинг биринчи ярми охирида эришилди. Шу биргина рақам ҳам шаҳарда мулкдорлар синфи жадал шаклланиб бораётганлигидан далолат беради.**

Шаҳар иқтисодиётида мавқеини муттасил мустаҳкамлаб бораётган бу тармоқнинг ривожланаётганидан дарак берувчи далилларни яна кўплаб қайд этиш мумкин.

Барча саъй-ҳаракатлар шаҳарда 2004-2005 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Дастурида белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига қаратилган. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида шаҳар бўйича 35 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этилиши назарда тутилган эди, бунга тўла эришилди. Ҳозирда, шаҳарда фаолият кўрсатаётган бундай субъектлар сони 525 тага етди. Бу белгиланганидан салкам бир ярим баравар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари шаҳарда ишсизлар сонининг камайишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Уларда 857 та янги иш ўринлари яратилди.

Энг муҳими, бундай корхоналарнинг ички бозорни маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришдаги салмоғи мунтазам ошиб бормоқда. Илгари хориждан келтириладиган қатор маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдалар. Айни вақтда маҳсулотларни экспорт қилишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Жорий йилда экспорт ҳажми 44 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиши назарда тутилган эди. Бу кўрсаткич йилнинг ўтган тўрт ойидаёқ анча ортиғи билан бажарилди. Чунончи, чет элларга жўнатган маҳсулот ҳажми 63,9 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бу билан йиллик режа 145,2 фоиз қилиб бажарилишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда турли тижорат банкларининг шаҳар бўлимлари ишбилармонларга ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Ажратилаётган кредит маблағлари тадбиркорлик тузилмаларининг қарор топиши, барқарор ривожланишида муҳим омил бўлаётир. Кредит ажратилишини сўраб мурожаат этадиганларнинг талаби қаноатлантирилмоқда.

Шаҳардаги тижорат банклари бўлимлари томонидан ўтган ярим йилда 954,1 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу режадагидан салкам икки баравар кўп. Бунда ташқи иқтисодий алоқалар миллий ва саноат-қурилиш банкларининг шаҳар филиаллари пешқадамлик қилмоқда. Биргина миллий банк кредит сифатида берган маблағ деярли 400 миллион сўмни ташкил этди. Унинг тўқсон фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келади. Қисқа муддатли кредитлар эса 230 миллион сўмга етди. «Саноатқурилишбанки»нинг Янгийўл филиали кредит ажратиш бўйича биринчи ярим йиллик режани 381 фоиз қилиб бажаришга эришди. Шу даврда у деярли 600 миллион сўмлик маблағни тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжлари учун ажратди. «Пахтабанк»нинг Янгийўл филиали эса фақат ўз маблағлари ҳисобидан 26 миллион 788 минг сўм миқдорида кредит ажратди. «Ҳамкорбанк»нинг шаҳар филиали ҳам бешта тадбиркорлик тузилмаларига катта ҳажмда молиявий кўмак берди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари томонидан бозори чаққон, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, Янгийўл дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида «Янгийўл омухта ем» шўъба корхонаси очилди. Бу ерда дон маҳсулотлари ва уларнинг чиқиндиларини қайта ишлаб омухта ем тайёрлаш ўзлаштирилди. «Отабек ҳожи» масъулияти чекланган жамиятида «Пардоз-Евро-Делюкс» шўъба корхонаси фойдаланишга топширилди. Янги ташкил этилган «Лазер-телеком» хусусий корхонаси аҳолига телекоммуникация хизматларини кўрсатмоқда. Хусусий тадбиркор Т. Пак барпо этган корхонада тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилляпти.

Лекин шунга қарамай, айни пайтда шаҳарда фаолият бошлаб, кейинчалик эса уни сусайтириб юборган ёки тўхтатиб қўйган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг камаймаётганлиги ачинарли ҳолдир. Албатта, бундай ҳолларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида юз бериши табиий. Бироқ, уларнинг барқарор ишлашида амалий чоралар кучайтирилса, айни муддао бўларди. Чунончи, ўтган ярим йилда 63 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмай қўйди. Истиқболсиз, тўловга қобилияти йўқ 32 та корхона давлат реестридан чиқарилди. Ишлашга имконияти бор корхоналарга амалий ёрдам кўрсатилди. Шундай йўл билан еттита корхона ўз фаолиятини қайта тиклади.

Корхоналарнинг фаолияти тугатилиши оқибатлари ўрганилганида шу жиҳат маълум бўлдики, уларнинг раҳбарлари етарли билим ва малакага эга эмаслар. Шу билан бирга молиявий қийинчилик, малакали ходимларнинг бошқа ишга ўтиб кетиши, моддий-техник базасини ривожлантириш ва хом ашё билан таъминлашдаги мушкулликлар ҳам бунга сабаб бўлаяпти.

Янгийўллик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари вакиллари Республикамиз Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги янги фармонларини катта мамнуният билан қарши олдилар ва унда кўзда тутилган жиҳатларни тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу ҳужжатлар бутун мамлакатимиздаги каби Янгийўлда ҳам мулкдорларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун бекиёс имкониятлар очиб беришини таъкидламоқдалар ва уларда белгиланган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ишда янги уфқлар сари ишонч билан одимлашларини баралла айтмоқдалар. Тадбиркор манфаатларини кўзловчи мукаммал ҳуқуқий асоснинг яратилаётганлиги уларнинг кўзлаган мақсад ва режаларига бекаму кўст етишларида муҳим омил бўлиши муқаррар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



# ОЛТИН ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ



**Ҳозир саховатли она табиатнинг беназир ноз-неъматлари ғарқ пишиб етилаётган пайт. Вилоятимизнинг боғдорчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларида сархил меваларни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, тайёрлов корхоналарига ва шаҳарликлар дастурхонига етказиш юмушлари авж паллага кирди.**

Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги боғбонлари бу йил ҳам турфа мевали боғлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар. Оилавий пудратчи Мирқосим Мирзаҳмедов ўз оила аъзолари билан хўжаликнинг 2 гектар олхўри боғини ижара асосида парвариш қилиб келади. Бу йилги ҳосилдорлик чакки эмас. Пудратчи тасарруфидаги мевали боғдан 15 тоннадан зиёд ҳосил кўтарди. Эътиборли жиҳати олхўрининг универсал навлари хусусий тадбиркорлар томонидан Россияга жўнатилмоқда.

*СУРАТЛАРДА: оилавий пудрат аъзоси Ботир Мирзаҳмедов; пудратчилар ҳосил салмоғи ва сифатидан мамнунлар.*

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққанлар кун тартибига қўйилган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш) ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш), "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида ҳам (биринчи ўқиш) маърузалар тингланди.

## БМТ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

**Тошкентда Халқ таълими вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида амалга оширилаётган Глобал таълим лойиҳасининг сарҳисобига бағишланган анжуман ўтказилди.**

Айни кунда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан 2002-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида Глобал таълим лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳада республикамизнинг олтита вилоятидаги 50 та мактаб иштирок этмоқда. Тадбирда таъкидланишича, 25 кишидан иборат ишчи гуруҳи, мазкур мактабларда глобал таълим йўналиши бўйича ўқувчиларга дарс бермоқда.

## ҚОРАКЎЛЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ

**Республикада доимий фаолият кўрсатувчи Қоракўл териси ва маҳсулотларини сотиш бўйича улгуржи-савдо кўргазмасининг биринчи босқичи якунланиб, унда қарийб 0,2 миллион АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзоланди.**

«Ўзбек Қоракўли» компаниясидан маълум қилишларича, ўзбек қоракўлчиларининг маҳсулотига Қозоғистон, Россия, Италия ва Германиядаги бир қатор савдо корхоналарининг вакиллари қизиқиш билдириб, дастлабки нумуна туркуми харид қилинган.

Кўргазмада қоракўлчиликка ихтисослашган 108 та ширкат хўжалиги ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

## АЭРОПОРТ УЧУН ЖИҲОЗЛАР

**БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Тошкент халқаро аэропортига «Аэропортда виза назорати» лойиҳаси доирасида умумий қиймати 17567,12 евро бўлган жиҳозлар топширилди.**

«Аэропортда виза назорати» лойиҳаси БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаларидан бири бўлиб, мазкур лойиҳа Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг ВОМСА-4 дастури доирасида миграция халқаро ташкилоти билан биргаликда амалга оширилади.

## Мустақилликнинг 14 йиллиги

# КЎНГЛИМНИНГ САРВАРИ ЎЗИНГСАН, ВАТАН!

лашга, инсонийлигини йўқотмасликка интиладиганлар кўпчиликни ташкил этади.

Террор деган балои азим Тошкентда, Андижонда ҳуруж қилган паллаларни эслаб кўрайлик. Ўша ғоятда оғир дамларда ҳам одамлар орасидаги меҳр-оқибат йўқолмади, элу юртга тегишли бўлган мулкка дахл қилишга ҳеч кимса журъат қилолмади. Аксинча, одамлар тинчлик-осойишталикни асраб қолишга, бир-бирларининг кўнглини кўтаришга, адашган ёшларни хато йўлдан қайтаришга бир танбир жон бўлиб ҳаракат қилди.

«Отанг ердир, онанг ердир, сен ҳам ердек қилиқ қил», деган доно сўзлар бежизга айтилмаган. Зеро, ердан сўрасанг — бир кафт тупроқ беради, қуёшдан сўрасанг — бир қисм нур беради, осмондан сўрасанг — бир ховуч сув туширади, элдан сўрасанг — мадад беради.

Шу тобда оҳангаронлик тадбиркор Гулчеҳра Пўлатова ҳақида икки оғиз сўз айтмоқни жоиз билдим. Аввало, бу ажойиб замондошимизнинг ҳаёт тарзи, бой маънавий дунёси, букилмас иродаси, мақсад йўлидаги қатъияти одамларни лол қолдиради. Аёлнинг оқилалиги, ҳар қандай муаммонинг ечимини топишда собитлиги унга ҳусн бағишлайди, куч-қувват, ғайрат-шижоат беради. Дадиллик, қиламан деган ишни қойилмақом уддалаш хислати унинг фазилати. Гулчеҳра Оҳангарон тумани «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раиси, «Гулчеҳра» хусусий фирмасининг раҳбари, хонадонида уй бекаси, Абдуманноб аканинг суюкли рафиқаси, Шерзоджон, Беҳзоджон, Дилафрўзларнинг меҳрибон онажони. Тадбиркор аёллар уни — сардоримиз, фермер аёллар — маликамиз, компьютерчи қизлар, ижодкор ёшлар эса — устозимиз деб ардоқлашади. Оҳангаронда, Бекободда, Бўкада, Паркентда, борингки, барча шаҳар ва туманларимизда Гулчеҳра Пўлатовага ўхшаган ишбилармон, тадбиркор ва ўз ишининг фидойилари кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай маънавиятли, маърифатли кишилар бор экан, юртимизнинг, истиқлолимизнинг, истиқболимизнинг юки асло ерда қолмайди.

Халқимиз ниҳоятда мақол ва маталларга бой, қаранг-а: «Китоб кўрмаган калла — гиёҳ унмаган дала» ёки «Илми борми, ёш дема, илми йўқни бош дема». Маълумки, кутубхоналаримиз маълумот-ахборот йиғиш ва аҳолига тарқатиш ишларида кўмаклашишга ихтисослашган, асосий мақсади эса инсонларнинг маънавий руҳиятини бойитиш, билим ва малакаларини оширишга хизмат қилишдан иборат.

Хўш, бугунги кунда вилоятимиз шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган барча кутубхоналаримизда аҳвол қандай?

Айтайлик, Чирчиқ шаҳар марказий кутубхоналар тизимида 12 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иккитаси болалар ва ўсмирлар, ўнтаси эса оммавий кутубхоналардир. Оммавий кутубхоналарнинг еттитасида, табиийки, болаларга аталган китоблар ҳам мавжуд. Кутубхоналар тизимининг китоб жамғармаси 381401 тани, хизмат кўрсатиладиган китобхонлар бугун 31639 нафарни ташкил этади. Китобхонларнинг 61 фоиздан кўпроғи коллеж ва мактаб ўқувчиларидир.

Демак, Чирчиқ шаҳар кутубхоналарида унинг ходимлари асосий эътиборни ёшларга қаратишди. Уларнинг олдида болаларда табиат сирларини билишга чанқоқлик ва қизиқувчанлик ҳиссини ўстириш, атроф-муҳит, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини асраш туйғуларини шакллантириш вазифаси турарди. Шу туфайли ҳам ўқитувчи-мураббийлар, шифокор ва экологлар кутубхоначилар билан ҳамкорликка киришдилар. Мактаб ўқувчилари, талаба ёшлар иштирокида турли экологик мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказишни одат тусига киритдилар. Бу тадбирлар ўз самарасини берди, албатта. Ўтказилаётган ҳар бир тадбирда кутубхона ходимлари адабиётларнинг очиқ кўргазмасини ташкил этишди. Деворий газеталар ва кўргазмали воситалар ёрдамида бу тарбиявий ишларнинг мазмунини бойитишди.

Китоб кўрмаган ўсмир, отаси топган молу дунёдан ҳаволаниб юрган эркатой, ўқимаса ҳам яхши яшаса бўларкан-ку, дея бозор кезадиган, катта-катта шоҳбекатларда қулоқни қоматга келтириб, жарчидек ҳайқириб, одамларни «ипподром»га чорлайдиган ёш-яланглаРимиз истиқлол шарофати туфайли қўлга киритганимиз улуғ неъмат — тинчлик, хотиржамлигимизни асраб-авайлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрсалар айни муддао бўларди.

Бу борада ҳам инсон, миллат ва халқнинг ўзлигини белгиловчи омил, ягона мезон маънавият ва маърифатга бориб тақалади. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш зарур» деган сўзларини эслаш кифоя.

Мустақиллигимиз йилларининг маҳобати, иззати, олиб келган ноз-неъматлари сарбаланд. Мустақиллик берган бахтдан кўнглимиздаги масрурлик ҳамиша, ҳамма вақт бизга елкадошдир.

*Кўзимнинг гавҳари*
*ўзингсан, Ватан,*
*Сўзимнинг жавҳари*
*ўзингсан, Ватан.*
*Ҳам шону шавкатим,*
*туробим ўзинг —*
*Кўнглимнинг сарвари*
*ўзингсан, Ватан!*

**Шавкат ТУРОБ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ҳаётимизни телефон алоқасисиз тасаввур қилиш қийин. Узоғимизни яқин қилишда жуда қўл келаётган бу беминнат хизмат туридан фойдаланаётган корхона-ташкилотлар, хонадонлар жадал кўпайиб бормоқда. Айни вақтда тармоқни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Буни биргина Бўка тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**



# АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўз сафига қирқ беш нафар алоқачини бирлаштирган Бўка тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ўз хизмат доирасини муттасил кенгайтириб бормоқда. Шу кунга келиб унинг мижозлари сони икки минг икки юздан ошиб кетди. Боғлама ишчи-хизматчилари кўрсатилаётган хизмат маданиятини яхшилаш, сифатини, мижозлар сонини ошириш йўлида тиним билмай изланмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида мижозлар сони 106 тага кенгайди. Шу кунларда эса телефон алоқаси ўрнатиш юзасидан корхоналар, хўжаликлар ва хонадонлардан тушган 25 та аризани қаноатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Боғламада телекоммуникацион тармоқларни такомиллаштиришга қаратилган муайян ишлар олиб борилмоқда. Келгусида эски телефон станциялари фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган замонавий рақамли турларига алмаштирилади. Бу мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини тубдан яхшилайди. Улар истаган вақтларида ер куррасининг телефон тармоғи бўлган нуқтаси билан тўғридан-тўғри боғланиш, Интернет тизимига уланиш имконига эга бўладилар.

*СУРАТДА: илғор электр механиги Муҳиддин Содирбоев иш устида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

**Ўтган йиллар мобайнида халқ хўжалигининг барча тармоқлари, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари ҳам аллақачон бозор иқтисодиёти шароитларига мослашиб улгурди. «Ўзбеккимёсаноат» ДАК таркибидаги Олмалиқ «Аммофос» ОАЖнинг ҳам бугунги кундаги одимлари залворлидир.**

Маълумки, минерал ўғитларсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Корхона мамлакатдаги айнан шу эҳтиёжлар асосида Қизилқум фосфоритларидан мураккаб азот-фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқаради. Бу ерда иккита аммофос, учта экстаркцион фосфорли кислота цехлари, сульфат кислота, шунингдек, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқлари, бир қатор ёрдамчи бўлимлар ва «Турон-MSL» қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларда аммофос, моноаммонийфосфат, сульфат аммоний, ёғоч толали плиталар (ДВП) тайёрланади.



— Маҳсулотларимизга ички бозорда эҳтиёж катта, — дейди корхона раҳбари Зиёвуддин Ниёзов. — Улар республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига шартнома асосида етказиб берилади. Шунингдек, ташқи иқтисодий алоқалар йўналишида «Саноат-экспорт маркази» орқали Тожикистон, Эрон, Хитой, Афғонистон давлатларига экспорт қилинади. Минерал ўғитлар таркибида зарур озиқ моддалар мавжудлиги боис, улардан барча минтақаларда, ҳар қандай шароитли тупроқларда барча экин турларини озиқлантиришда фойдаланилади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 30,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хусусан, 185,5 минг тонна минерал ўғит ва 108,8 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари шулар жумласидандир.

Бу ерда ишлаб чиқаришдаги суръат ва самарадорликнинг юқорилиги корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, меҳнат манфаатдорлигининг ошишига хизмат қилаяпти. Айтиш мумкинки, сўнгги йиллар давомида корхона ўзининг рақобатбардош маҳсулотлари учун «Арка-Европа», «Олтин Соврин», «Сифат учун», «Евромаркет» халқаро мукофотлар совриндори бўлди.



Айни пайтда корхона республикамиз ва Россия Федерацияси миллий-тадқиқот институтлари олимлари билан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот турини кўпайтириш борасида ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар.

— Ўтган йил охири ва жорий йилдаги ютуқларимиздан бири — «Супрефос» ва «Аммоний-сульфат-фосфат» технологияларининг яратилганлигидир, — дейди корхона бош муҳандиси Баҳодир Содиқов. — Муқаддам фосфорли ўғитлар учун хом ашё Қозоғистондан келтириларди. Корхонадаги «Экстрация-3» цехи қайта реконструкция қилиниб, технологик жиҳатдан тўла мослаштирилгач, 2001 йилнинг август ойидан маҳаллий фосфор кукуни тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса маҳсулот таннархининг камайишига ва самарадорликнинг ошишига олиб келди.

Корхона бугунги кундаги маҳаллийлаштириш дастури асосида Польша давлати билан ҳамкорликда сульфат кислотаси ишлаб чиқариб, маҳсулот ҳажмини йилига 400 минг тоннага етказишни режалаштирмоқда. Бунинг учун 6 миллиондан зиёд АҚШ доллари ажратилди.

Айни кунда корхонада ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 145 минг сўмни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлашни хоҳловчилар сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу боис, бу ерда кадрлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Айни кунда Менделеев номидаги Москва химия-технология университетида ўндан ортиқ ёш мутахассислар корхона йўлланмаси билан таълим олмоқдалар.

Жамоада ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳам бирламчи вазифалардан ҳисобланади. Касаба уюшма қўмитаси раиси Николай Авдеенконинг айтишича, Сиҳат-саломатлик йили дастури асосида қатор тадбирлар, мусобақалар ўтказилмоқда. Айни пайтда республика мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан цехлар ва ёрдамчи бўлимлар жамоалари ўртасида мини футбол, стол тенниси, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка ва сузиш бўйича анъанавий мусобақалар давом этмоқда. Бундай фойдали ва қизиқарли тадбирлар жамоа аҳлини янги ютуқларга, изланишларга ундаши шубҳасиз. Ҳаракатлар натижаси эса корхонанинг истиқлол йўлидаги зарворли қадамларида сезилиб туради.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

**Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги тобора ошиб, ижтимоий мавқеи юксалиб бормоқда. Боиси, юртимизда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларига катта ҳурмат-эътибор билан қаралади.**

Яқинда Қибрай туманида хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» деб номланган ойлик ўтказилди. Уни туман хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ташкил этдилар.

Ойлик давомида тумандаги барча шаҳарча, қишлоқ ҳудудларидаги маҳаллаларда хотин-қизлар билан эркин мулоқотлар, ўқув машғулотлар, фойдали учрашувлар уюштирилди. Уларда иштирок этган кўплаб аёллар ўз ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалалардан етарлича воқиф бўлдилар, ўйлантираётган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

— Туманимиз аёлларининг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий саводхонлигини оширишда мазкур ойлик ўта самарали бўлди, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Хўжаева. — Айниқса, тадбиркор ва ишбилармон аёллар фаолиятларида қалқиб чиққан муаммоларга ечим топдилар, яратилаётган имтиёзлардан хабардор бўлдилар.

Шунингдек, жойларда ўтказилган махсус тадбирларда она ва бола саломатлиги, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва маданиятини ошириш, оилаларда, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини барпо этиш каби қатор муҳим масалалар теграсида фикр алмашувлар бўлиб ўтди ҳамда амалий ишлар юзасидан тегишли идора, ташкилот мутасаддиларига аниқ вазифалар юкланди.

**Ш. ҒАЙРАТОВ.**

### Фармон ва ижро

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига эндигина бир йилдан ошди. Мазкур ҳужжат хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёллар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этди.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Фармонда белгиланган чоралар асосида 2004 йил 1 июлдан бошлаб республикамиздаги 500 оила яшайдиган ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар ва ёшларни маънавий-мафкуравий юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш борасида иш олиб бормоқдалар.

Бугун республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам доно ва тадбирли маслаҳатчилар маҳаллаларда амалга оширилаётган тарбиявий-ташкилий ишларга бош-қош бўлишаяпти. Аёл саломатлиги, унинг саводхонлиги ижтимоий аҳамият касб этишини, ўз ҳуқуқини билиши, ўзини қонунлар асосида ҳимоя қила олиши мумкинлигини, муҳтарам Президентимизнинг кундалик эътибори туфайли аёл ва оила манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини ҳар бир аёл тушуниб етмоқда. Маслаҳатчилар жамоатчилик ўртасида, маҳаллаларда маънавий муҳитни соғломлаштиришга самарали таъсир кўрсатаётирлар. Қуйичирчиқ туманидаги «Қизил Шарқ» маҳалласидан Шафоат Абдуллаева, Қўрғонча қишлоғидан Эътибор Эралиева, Дўстобод шаҳридаги 4-маҳалладан Хурсаной Қидирбоева сингари маслаҳатчиларнинг кундалик фаолияти бунинг далили бўла олади.

Республика хотин-қизлар қўмитаси фармондан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси бўйича жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг ўрни сезиларли кучайди. Маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари сафида аёлларни кўпроқ кўрадиган бўлдик. Улар жуда катта фидойилик, зийраклик ва огоҳлик билан ўзини ўзи бошқариш идораларига раҳбарлик қилмоқдалар. Уларнинг биринчи таянчлари ва ишончли суянчлари маслаҳатчилар бўлиб қолди. Чунки маҳалладаги ҳар бир оила аъзолари нима билан шуғулланаяпти, қачон ва қаерга бориб-келаяпти — бугун маслаҳатчининг назоратида.

Президентимиз жуда катта ишонч билан диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини таъсис этишларидан мақсад бирон-бир оила, хотин-қиз ва ёшлар эътиборимиздан четда қолмаслигига эришиш, фуқаролик жамиятини ташкил этишда ҳар бир шахс фаоллигини таъминлашдан иборат эди.

Мен Жанубий Кореяда бўлиб, хотин-қизлар ривожланиш марказлари ишини ўрганганимда, ҳаракат фаоллари билан учрашганимда, «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари эса, вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатмоқда» дейишим билан қарсак чалиб юборишганди. Улар мустақилликни қўлга киритганига кўп вақт бўлмаган Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати давлат сиёсати даражасида эканлигидан, лавозимларга давлат мақоми берилганидан ҳайратларини яшира олишмасди. Чунки, Кореяда хотин-қизлар ташкилотлари шунчаки жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

Республика хотин-қизлар қўмитаси мана ўн йилдирки, хотин-қизларнинг Бутунжаҳон Пекин Конференцияси ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Пекин конференцияси ўн йиллиги олдидан шуни айтиш мумкинки, конференцияда илгари сурилган ғоялар — хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлаш, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига эришиш, аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиш сингари масалалар ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳам республикамиз вилоятларида сезиларли ишлар қилиняпти. Республика хотин-қизлар қўмитаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг фаоллигини оширмоқда. Айниқса, қўмита жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни хотин-қизларнинг кундалик турмуш тарзига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Хотин-қизларнинг жисмонан соғлом бўлишига, чиниқишига, умумий иш қобилиятини ўстиришга ёрдам бермоқда. Республика хотин-қизлар спартакиадаси, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида қизларнинг фаол иштироки, ҳар бир маҳалла, туман ва вилоятда ўтказилаётган спорт тадбирлари қизларимиз ва ўсмирларимизнинг соғ-саломат вояга етишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА,**
**Халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати.**

**Судлар департаменти Тошкент вилоят ҳудудий бўлими 2005 йил 27 август куни соат 10.00 да Тошкент вилоят жиноий ишлар бўйича Зангиота туман суди биносида кимошди савдоси ўтказилади.**

**Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

«ВАЗ-2106» русумли автомобиль, давлат рақами 10 Е 6462, двигатель 5676458, шасси рақамсиз, оқ рангли, 1981 йил ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи – 463864 сўм 80 тийин.**

Аризалар 2005 йил 24 август кунига қадар Тошкент вилоят жиноий ишлар бўйича Зангиота туман суди биноси биринчи хонасида қабул қилинади. Аукционда қатнашувчилар аризалари билан бирга автотранспорт бошланғич нархининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорини тўлашлари шарт.

